
Фуқаролар мурожаати ўрганилди.

Жорий йилнинг 30-апрел куни ижтимоий тармоқларда “Каналнинг лойқа сувини тиндириб ичамиз. Газ келиши ҳам кечикмоқда” сарлавҳаси билан мақола жойлаштирилган.

Мақолада келтирилган вазиятга аниқлик киритиш мақсадида “Худудгаз Фарғона” МЧЖнинг “Аҳолига суюлтирилган газ сотиш ва ҳисобини юритишни мувофиқлаштириш хизмати” муҳандислари И.Файзиев ва Ғ.Насирдиновлар, “Қуватумангаз” филиали суюлтирилган газ бўлими муҳандиси З.Маллабоев, бўлим техниги М.Мухторалиев ҳамда Қува тумани “Дамариқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Алиевлар иштирокида жойида атрофлича муҳокама этилди. Бу ҳақда “Худудгаз Фарғона” МЧЖ матбуот хизмати хабар беради.

Ўрганиш давомида, жорий йилнинг 30 апрель куни ижтимоий тармоққа жойлаштирилган мақола юзасидан мурожаатчининг манзили ва исми-шарифи кўрсатилмаганлиги аниқланди. Мурожаатчини аниқлаш ва у билан боғланиш борасида олиб борилган сайи-ҳаракатлар натижа бермади.

Қува тумани “Дамариқ” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи бир қатор фуқаролар билан суюлтирилган газ таъминоти ва уни ўз вақтида етказиб бериш ҳолати юзасидан суҳбатлар ўтказилди. Ўтказилган суҳбатлар давомида, шу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар В.Чўлпонов ва

С.Худайназаровлар “Қуватумангаз” филиали томонидан, суюлтирилган газ ўз вақтида етказиб берилаётганлигини билдиришди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Фарғона вилоятининг Қува туманида жами 47 669 газ истеъмолчилари мавжуд. Шундан, 7 215 та истеъмолчилар табиий газ билан, қолган 40 454 та истеъмолчилар суюлтирилган газ билан таъминланади.

2020 йилнинг апрель ойи давомида тумандаги истеъмолчиларга 475.8 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режаси белгиланган бўлиб, амалда 499.8 тонна (105%) суюлтирилган газ етказиб берилди.

“Худудгаз Фарғона” МЧЖ томонидан вилоятдаги истеъмолчиларга етказиб берилаётган суюлтирилган газ миқдорлари ва муддатлари қаттиқ назоратга олинган.

Шунингдек фуқаролар томонидан ичимлик суви таъминоти бўйича билдирилган эътирозлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Қува туман филиали томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан ўрганилганда ҳақиқатда ушбу ҳудуддаги ичимлик суви насоси носоз ҳолга келиб қолганлиги аниқланди ва мазкур камчилик жойида бартараф этилиб ҳудуд тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди.

Қува туман ҳокимлиги

Ахборот хизмати

2020-05-03 14:48:40